

IJTIMOIIY FANLAR

ЁШЛАРИМИЗНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ТАРБИЯВИЙ ВА МАФКУРАВИЙ ИШЛАРНИНГ МАЗМУНИНИ ЎРГАНИШ

Abdullayev Yo'lchi Ziyayevich, BuxDPI Harbiy ta'lim fakulteti o'qituvchisi, dotsent
yulchi-nvo@mail.ru

Темиров Ўлмас Хамидович, BuxDpi Harbiy ta'lim fakulteti o'qituvchisi

Аннотация: Мазкур мақолада Президентимиз Шавкат Мирзиёев алоҳида таъкидлаганларидек ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда тарбия ва мафқурани мазмун моҳиятини очиб бериш ва чақирувга қадар ёшларни Ўзбекистон Республикаси Президенти - Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонига, Ватаннинг мустақиллик тимсолларига садоқат, фаол фуқаролик позицияси ва юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашга эътиборни қаратиш тўғрисида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: ватанпарварлик, компетент, яхлит, жамият, техника, миллий руҳ, мафкура, интеллектуал, илм, заковат.

ИЗУЧЕНИЕ СОДЕРЖАНИЯ ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОЙ И ИДЕОЛОГИЧЕСКОЙ РАБОТЫ ПО ВОСПИТАНИЮ НАШЕЙ МОЛОДЖИ В ДУХЕ ПАТРИОТИЗМА

Аннотация: В данной статье наш Президент Шавкат Мирзиёев особенно подчеркнул, что при воспитании молодого поколения в духе патриотизма, необходимо раскрывать важное значение воспитания и идеологии, также он подчеркнул что особое внимание необходимо обратить на воспитании допризывной молодёжи в духе высокого патриотизма и активной гражданской позиции, преданности Президенту Республики Узбекистан - Верховному Главнокомандующему Вооружёнными Силами и символам независимости нашей Родины.

Ключевые слова: патриотизм, компетент, полноценный, общество, техника, национальный дух, идеология, интеллектуал, знания, интеллект.

STUDYING THE CONTENT OF EDUCATIONAL AND IDEOLOGICAL WORK IN EDUCATING OUR YOUTH IN THE SPIRIT OF PATRIOTISM

Annotation: In given clause our President Shavkat Mirziyoyev especially has emphasized, that at education of young generation in spirit patriotism, it is necessary to open the important meaning(importance) of education and ideology, also he has emphasized that

the special attention is necessary for paying on education pre-conscription of youth in spirit high patriotism and active civil position, fidelity to the President of Republic of Uzbekistan - Supreme Commander -in-chief by the Armed Forces and symbols of independence of our Native land.

Key words: patriotism, high-grade, society(community), engineering, national spirit, ideology, intelektual, knowledge, intelligence.

– Ёшлар орасида “Мен Сизнинг ёнингизда туриб, камарбаста бўламан!” деб кўзи ёниб турган, билимли, жасоратли йигит-қизлар борлигига ишонаман. Етакчиликнинг, ўз ортидан эргаштиришнинг энг тўғри йўли шахсий ўрнат ва намуна бўлишидир. (Ш.Мирзиёев)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев алоҳида таъкидлаб ўтганларидек, “Ҳозирги кунда дунёда олдиндан айтиш қийин бўлган вазият ҳукм сураётган мураккаб бир шароитда мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, жамиятимизда тинчлик ва тотувликни таъминлаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини чуқур англаган ҳолда, биз 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида юртимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантиришни устувор йўналишларидан бири сифатида белгиладик.”¹ деганларида Давлатимиз Миллий Армиямиз, унинг бугунги кун ва келажак учун ҳам тааллуқлидир.[1] Чунки, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барқарор характерга эга бўлганда, Армиянинг вазифаси давлат чегаралари ва ҳудудини ҳимоя қилиш учун, унинг замонавий ҳарбий техника ва қурол-яроғ билан таъминланганлиги, шахсий таркиб салоҳиятининг юксак даражада бўлишини тақозо этади.

Шунинг учун ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ҳар қандай таҳдид ва хатарларга муносиб зарба беришга тайёр миллий армиямиз – халқимиз, мамлакатимизнинг ишончли ва мустаҳкам қалқонидир. Шунинг учун биз ҳозирги кунда ҳарбий кадрларнинг жанговор қобилияти ва тайёргарлиги билан бирга, ватанпарварлик тарбиясига жиддий аҳамият қаратяпмиз. Яъни ҳар бир аскар ва сержантда, офицер ва генералда, бутун шахсий таркибда миллий рух ва ғурур, кучли бўлиши керак. Миллий рух, бу – енгилмас куч. Миллий рух кучли бўлса, ирода, жанговор салоҳият ҳам юқори бўлади. Келажакда ҳарбий бўлишни орзу қиладиган ботир фарзандларимиз миллий рухни, муқаддас Ватан тақдири учун масъулият туйғусини қаердан олади? Ватанимиз бой тарихидан, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темури каби буюк аждодларимиз жасоратидан олади. Ўз оиласи, меҳрибон ота-онаси

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунли муносабати билан байрам табриги. “Халқ сўзи” газетаси 2018 йил 13 январ.

ҳамда эл-юртимизнинг ишончи, ғамхўрлиги ва эътиборидан олади. Ёшларга ҳамиша ўрнатилган ва намуна бўлиб келаётган сиз каби фидойи ҳарбийлардан олади”², деб таъкидлаган сўзларида чуқур маъно, мазмун ва моҳиятга эга эканлигига алоҳида эътибор қаратиб чақириққача ёшларимизни тарбиялашда алоҳида муҳим ўрин тутишини билишимиз зарур. [2]

Айниқса, бугунги кунда дунёда жадаллик билан кечаётган глобал ўзгаришлар, терроризм, наркобизнес, айрим мамлакатларининг ички ишларига аралашиб, “демократияни экспорт қилиш”, халқаро ҳуқуқ меъёрларни бузилиши каби ҳолатлар рўй бераётган бир даврда ҳарбийларнинг ватанпарварлиги, юксак ахлоқи ва маънавияти ўта муҳим бўлган омилга айланиб бораётганлиги бежиз эмас.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаларида ҳозирда жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётганлиги, унинг таъсир доирасини эътиборга олиш, биз, бугунги кунда дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни ҳолисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз, мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтириш ва халқимиз фаровонлигини ошириш шарт эканлигига алоҳида эътибор берилган. [9]

Ҳозирги даврда, айниқса ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилаётган шароитда миллий Армиямиз фаолиятида аниқ шакллантирилган ахлоқий қарашлар ва қадриятлар тизими зарур, деб ўйлаймиз.

Шунаёки экан Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ш.М.Мирзиёевнинг Қуролли Кучларнинг 27 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида белгилаб берилган вазифалар, ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбия ишларни ташкиллаштириш ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш талабларидан келиб чиққан ҳолда чақирувга қадар ёшларимизни юксак маънавий фазилатлар, мустаҳкам ирода ва Ватан тақдири учун масъулият ҳиссини камол топтириш, уларнинг онги ҳамда қалбига миллий ғоя ва мафқурани чуқур сингдириш, фаол ҳаётий позициялари ҳамда ҳарбий хизмат мажбуриятларини онгли равишда, юксак масъулият билан бажариш кўникмаларини шакллантириш мақсадида маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотлар сифатини ошириш бўйича мақсадли ишлар олиб борилмоқда.[3]

² Мирзиёев Ш.М. Миллий Армия ва халқимиз қанча яқин, бир тану бир жон бўлса, шунча қудратли бўлади/“Халқ сўзи” газетаси 2018 йил 13 январ.

Авваломбор ёшларимизни тарбиялашда тарбиявий ва мафкуравий ишларнинг мазмун ва моҳиятига урғу бериб ўтсак.

Тарбия – шахсда муайян жисмоний, руҳий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён; инсоннинг жамиятда яшаши учун зарур бўлган хусусиятларга эга бўлишини таъминлаш йўлида кўриладиган чоратadbирлар йиғиндиси.

Ҳарбий хизматга тайёрланадиган ёшлар билан олиб бориладиган тарбиявий ва мафкуравий ишлар умумий вазифалар билан бир қаторда алоҳида мақсадларга эга. Чунки ҳарбий раҳбар учун тарбияланган бўйсунувчига, инсонга эга бўлиш етарли эмас, унинг учун ўзининг хизмат вазифасини яхши биладиган, ҳақиқий профессионал ҳарбий хизматчи, ҳарбий мутахассис бўлиб етишиши керак. Бундай бўйсунувчини ҳар бир раҳбар ўзи тарбиялайди.

Мафкура – муайян ижтимоий гуруҳ ёки қатламнинг, миллат ёки давлатнинг жамият эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий ривожланиш тамойилларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалар тизимидир. [4]

Ҳар қандай мафкуралар бир тизимга солинган ғоялар мажмуидан иборат бўлади. Шу сабабли дунёқарашнинг асосини ва муайян ишонч-эътиқоднинг асосини ҳам ғоялар ташкил этади.

Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараш ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғоялар тизими жамият мафкурасидир. Бинобарин, миллий мафкура ҳар қандай халқни-халқ, миллатни-миллат қиладиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан чароғон этадиган маёқдир.

Тарбиявий ва мафкуравий ишлар – бу бўлажак ҳарбий хизматчиларда ватанпарварлик, фидоийлик, ўз бурчига садоқат, Ватан ва миллат тақдирига даҳлдорлик, юксак эстетик дид ва кенг дунёқараш каби ахлоқий фазилатлар ва профессионал кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган узлуксиз ва тизимли равишда амалга ошириладиган фаолиятдир.

Тарбиявий ва мафкуравий ишларининг стратегик мақсадларини кўриб чиқадиган бўлсак, уларни қуйидагича белгиласа бўлади. Масалан:

-чақирувга қадар ёшларни Ўзбекистон Республика Президенти - Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонига, Ватаннинг мустақиллик тимсолларига садоқат, фаол фуқаролик позицияси ва юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш;

-чақирувга қадар ёшларда миллий армиямизнинг қудратига, халқимизнинг тинчлигини ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилишга қодир эканлигига қатъий ишончини шакллантириш;

-чақирувга қадар ёшларнинг маънавий-ахлоқий руҳини кўтариш ва доимий равишда уни қўллаб-қуватлаб туриш.

Ёшларимизни тарбиявий ва мафкуравий ишларини тадбиқ этишда қуйидаги йўналишлар, шакллар ва усулларини кўриб чиқамиз.

Биз тарихдан биламизки, маънавияти бой инсон ўз Ватанининг тақдири, унинг ривожини ва ҳимояси учун доим тайёр тура олади. Шу боис ҳам бизнинг жамиятимиз қалби тоза, имон-эътиқоди мустаҳкам, ҳалол-покиза, гўзал ахлоқли, хушмуомалали, маънавий баркамол инсонларни тарбиялаш масаласини бугунги куннинг энг долзарб вазифалари қаторига киритган. Шахс, унинг тарбияси ҳар қандай жамиятда бўлгани каби бизнинг юртда ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Шу ўринда машҳур Ватандошимиз Абдулла Авлоний айтганларидек: *“Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидур”* - деган фикрлари бугунги кунда дунёда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларининг турли салбий таъсирларидан ҳимояланишнинг ягона йўли, ёшларни замон талаблари асосида тарбиялаш зарурлигини яна бир бор исботламоқда.[7]

Тарбиявий ва мафкуравий ишлар асосан маънавий, маърифий, маданий, ахлоқий-руҳий йўналишлардан иборат бўлади.

Тарбиявий ва мафкуравий ишларда маънавий-маърифий тайёргарлик, маънавият соати, тезкор ахборот, китоб мутооласи, савол-жавоб кечалари, викториналар, экскурсиялар, мавзувий кечалар. “Мардлик ва жасорат” дарслари, учрашувлар (шоир ва ёзувчилар, фан ва маданият арбоблари, фахрийлар ва ёшлар билан), ҳарбий-ватанпарварлик акциялари, музей ва театрларга ташрифлар, телекўрсатувлар томошаси ва муҳокамаси, яқка тартибдаги суҳбат, умумий йиғилишлар, спорт ва интеллектуал уйинлар, кўрик-танловлар, яқунлар, тахлилий ишларни ўтказиш, ахлоқий-руҳий тайёргарлик машғулотлари ва машқларини унинг шаклларига мисол қилиб кўрсатсак бўлади.

Тарбиявий ва мафкуравий ишларнинг усулларига ишонтириш, рағбатлантириш, намуна, машқ, мусобақа, танқид, ўз-ўзини танқид қилиш ва ўзини-ўзи мажбурлашлар киради.

Хулоса қилиб айтганда, Чақирувга қадар ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мустақил фикрлашга ва кенг дунёқарашли, иймон-эътиқоди ва иродаси мустаҳкам, маънавиятли ва фидойи, ҳар қандай шароитда Ватан мудофаасига шай ҳарбий хизматчиларни тарбиялаш, уларнинг мантиқий, ижодий ва тахлилий фикрлаш доирасини кенгайтириш, она Ватан тақдири учун юксак масъулият ва жавобгарлик хусусиятларини ривожлантириш ҳамда матонат ва жасоратда, ота-боболаримиздан ўрнак олишларига эътиборни қаратишимиз керак.

Ҳозирги шарт-шароитда нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қоқоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади.

Шундай экан Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!” [5]

Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак деб ўйлайман.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги. /“Халқ сўзи” газетаси 2018 йил 13 январ.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий Армия ва халқимиз қанча яқин, бир тану бир жон бўлса, шунча қудратли бўлади/“Халқ сўзи” газетаси 2018 йил 13 январ.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари ташкил этилганининг 27 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги. /“Халқ сўзи” газетаси 2019 йил 12 январ.
4. Мудофаа вазирлиги қўшинларида тарбиявий ва мафкуравий ишлар органи фаолиятини ташкиллаштириш. Услубий қўлланма.// Воениздат. Тошкент. 2019 й.
5. Мирзиёев Ш.М. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан учрашувда сўзлаган нутқи. Хоразм. 2019 й. 27 декабрь.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура.Т. I - Т: «Ўзбекистон», 1996.
7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон шаёт – пировард мақсадимиз. «Ўзбекистон», 2000 йил. 28-29-б
8. “Mustaqil O‘zbekiston tarixi” Т.: 2000, 396 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. // Янгиликлар халқ учун. Gazeta.Uz . Ташкент. 2019 й.
10. XOLIQOV, I. (2022). HARBIY TA ‘LIM FAKULTETI TALABALARIDA PEDAGOGIK KOMPETENSIYALARNI SHAKLLANTIRISH USULLARI. *Buxoro davlat pedagogika instituti jurnali*, 2(2).
11. Roziqovich, X. I., & O‘tkirjonovich, E. U. (2023). HARBIY TA‘LIM FAKULTETI TALABALARIDA TARBIYAVIY ISHLARNI TASHKIL ETISH USULLARI. *TA‘LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI*, 3(3), 38-41.
12. XOLIQOV, I. (2022). Harbiy-vatanparvarlik tarbiyasida milliy qahramonlarimizning o ‘rni. *Buxoro davlat pedagogika instituti jurnali*, 2(2).
13. XOLIQOV, I. (2022). THE IMPORTANCE OF ARTISTIC LITERATURE IN THE MILITARY-PATRIOTIC EDUCATION OF YOUTH. *Buxoro davlat pedagogika instituti jurnali*, 2(2).